

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси спортчиси Акбаржон Жўраев Олимпиада чемпиони ва рекордчиси!



саба уюшмалари «путёвка» тарқатадиган, туғилган кун ва байрамларда борлигини намоён этадиган ташкилот.

Билмаганлар, билиб қўйсин, асло ундай эмас. Биргина мисол, Олимпиада чемпиони ва рекордчиси Акбаржон Жўраев ҳам, даст кўтаришда олимпиада рекордини ўрнатган оғир атлетикачи Муаттар Набиева ҳам ўша ҳамма ерда ҳозир-узир ташкилот болалари...

Яъни, улар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг тарбияланувчиларидир.

Токиога кетишдан олдин спортчилар ва уларнинг мурабийлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига таклиф этилиб, пул мукофоти ва эсдалик совғалари билан тақдирланган, Федерация раиси Қудратилла Рафиқов кўпчилик номидан спортчиларга омад тиланган эди.

Бугун тилаклар ушалди, ишончлар оқланди! Баракалла, Акбаржон! Раҳмат сенга, ўзини ва ўзбек спортини дунёга танитган паҳлавон!

Ватан байроғини баланд кўтариб, юрт ва миллат шаънини улуғлашдек эзгу амалларинг бардавом бўлаверсин!

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
«ISHONCH»

Чемпион бўлиш осон эмас. Рекорд ўрнатиш ҳам... Ғолиблик ортида қанчадан-қанча синовлар, машаққат машғулотлар бор. Зеро, шоҳсупага кўтарилиш ҳаммага ҳам nasib этавермайди. Бу йўлда муваффақиятсизликлар ҳам бўлади...

У ҳаммасига чидади, интилди, ҳаракат қилди. Унинг катта спортдаги фаолияти 2017 йилдан бошланди...

Қатор йиллар оралиғида Осиё ва жаҳон чемпионатларида қатнашиб, дастлаб 13-, 6-, 4-ўринларни эгаллади. Бронза медалига бир килограмм етмай қолган пайтлар ҳам бўлди. Аммо у тушундикка тушмади, бор аламини тошдан олди. Шуғулланаверди, кўтараверди...

Ва ниҳоят, навбатдаги халқаро мусобақаларда, яъни Осиё ва жаҳон чемпионатларида зафар кучди. Шунчаки ғолиб бўлмади, бир неча марта Осиё ва жаҳон рекордларини янгилашнинг уددасидан чиқди ҳам.

Айнан шунинг учун Олимпиадада ундан умид қилишга ҳақли эдик.

У ишончини оқлади. 109 килограммгача бўлган оғир атлетикачилар баҳсида Олимпиада рекордини янгилаб, чемпионликка эришди. Баракалла!

Тарихдан маълумки, қадимда Олимпиада ўйинлари вақтида урушлар ҳам вақтинчалик тўхтатилган...

У ҳам ўз ютуғи билан юқори даражадаги йиғилишнинг бир зум «тўхтаб туришига», давлатимиз раҳбари ва барча-барчанинг фахрлишига сабабчи бўлди. Офарин! Шу ўринда бир гап: кўпчиликнинг тасавурида ка-



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДА
АВАЗА, 2021 ЙИЛ 5-6 АВГУСТ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 5-6 август кунлари Туркменистондаги «Аваза» миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтadиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувида иштирок этади.

Туркменистон Президенти раислигида ўтадиган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқоев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ҳам қатнашади.

Давлат раҳбарлари 2019 йил ноябрь ойда Тошкент шаҳрида ўтган Маслаҳат учрашувида эришилган келишувларнинг амалга оширилиши натижаларини кўриб чиқади.

Кун тартибига минтақада барқарор ва изчил тараққийётни таъминлаш, савдонинг ривожлантириш, энергетика соҳасида шериклик учун қўлай шароитлар яратиш, транспорт-коммуникация соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, пандемияга қарши курашиш борасидаги сайёҳаракатларни бирлаштириш ва бошқа масалалар ҳам киритилган.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида дўстлик ва яхши кўшничлик, ўзаро ишонч ва кўмак муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ташаббусларни илгари суриши, узоқ муддатли умумий манфаатларга асосланган минтақавий ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналишларини

баён қилиши кутилмоқда. Саммит якунида кўп томонлама муҳим ҳужжатлар, шу жумладан, давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар ўтказиши ҳам режалаштирилган.

Маслаҳат учрашуви дастури доирасида Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти ва минтақа Иқтисодий форуми, миллий маҳсулотлар кўргазмаси, миллий таомлар фестивали ҳамда санъат усталарининг тантанали концерти ўтказилиши мўлжалланган.

Таъкидлаш жоиз, маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган эди.

Давлат раҳбарларининг биринчи саммити 2018 йил март ойда Қозоғистон пойтахти Нур-Султонда, иккинчиси эса 2019 йил ноябрь ойда Тошкент шаҳрида ўтди.

ЎЗА

Видеоселектор йиғилиши

«Аёллар дафтари»: ИККИНЧИ БОСҚИЧНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ



Президентимиз ўз чиқишларидан бирида «Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади», деган эди. Ҳа, Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

>>> 3

Тошкент шаҳри

Кўрик-танлов

ФАОЛИЯТИ БАРЧАГА НАМУНА

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимида ўтказилаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар bosқичи якунланди.

– Тадбирни ўтказиш бўйича етарли даражада тарғибот ишлари олиб борилгани, зарур ҳужжатлар бошланғич касаба уюшма ташкилотларига етказиб берилгани бесамар кетмади, – дейди Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Хусниддин Саидалиев. – Бошланғич ташкилотлардан кўрик-танловда қатнашиш учун раёсатга ўн бешта ҳужжат келиб тушди. Муносиблар бир қатор муҳим мезонлар асосида кўриб чиқилди.

Раёсат қарорига биноан аъзолар сони юз нафаргача бўлган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари орасида биринчи ўрин «Ўзтемирйўлназорат» инспекцияси касаба уюшма кўмитасига, иккинчи ўрин «Себзор» ХК бошланғич касаба уюшмасига, учинчи ўрин Тош-

кент шаҳар транспорт бошқармаси касаба уюшма кўмитасига nasib этди.

Аъзолар сони юз нафардан ортиқ бўлган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида «Йўл лойиҳа бюроси» МЧЖ, Тошкент архитектура-қурилиш институти, «18-автобус саройи» МЧЖ, «Тошкентбошплан ЛИТИ» ДУК касаба уюшма кўмитаси биринчиликни қўлга киритган бўлса, «4-автобус саройи» МЧЖ, «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ДУК, «12-автобус саройи» МЧЖ иккинчи, «2-автобус саройи» МЧЖ, «1-автобус саройи» МЧЖ, «8-автобус саройи» МЧЖ, «Ўзинжиниринг» РЛИ касаба уюшма кўмиталари учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»



Келгуси сонларда ўқинг...

БОҒИСТОННИНГ «ҲАЛ БЎЛМАС» МУАММОЛАРИ

«Ўзбек тили» ўқув дастури лойиҳаси: ЧЎЗИЛАЁТГАН БАҲС-МУНОЗАРЛАР САБАБИ НИМАДА?

МАРДОНОВА НЕГА ИШДАН БЎШАТИЛГАН ЭДИ?

«Аёллар дафтари»:

ИККИНЧИ БОСҚИЧНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ



равишда ҳал қилиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика ишчи гуруҳи тузилиб, улар юртимиз аёлларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва шароитини ўрганишди. Натижада «Аёллар дафтари»га 430 275 нафар эҳтиёжманд хотин-қиз киритилиб, бугунги кунда уларнинг барчасига у ёки бу жиҳатдан ёрдам берилиб, муаммолари ҳал этилишига қўмақлашди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида ана шу йўналишдаги ишларнинг биринчи bosқичида амалга оширилиши кутилаётган ишларнинг режасига бағишланган Республика комиссиясининг кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Федерация раиси Қудратилла Рафиқов олиб борди.

Қайд этилганидек, жорий йил 1 июндан бошлаб «Аёллар дафтари» билан ишлаш тизимининг иккинчи bosқичи – хотин-қизлар муаммоларини «хонадонбай» ўрганиш ишлари бошланди. Ушбу чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини

таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳудудга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 14 нафар раҳбар ходими, шунингдек, ҳар бир туман (шаҳар)га 2 нафардан (жами 412 нафар) касаба уюшмалари ва Маҳалла вазирилик ходимлари бириктирилди. Маҳалла-ларда хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш, уларни умумлаштириш ва таҳлил қилиб бориш учун «сектор – туман – вилоят – республика» даражасида 1045 та штаб ташкил этилди. 9 251 та маҳалланинг ҳар бирига давлат ва жамоат ташкилотларининг 8 нафар (жами 74 мингдан зиёд) ходимдан иборат бўлган ишчи гуруҳлар тузилди.

Мазкур ишчи гуруҳлар жорий йил 1-15 июль кунлари маҳаллардаги ҳар бир хонадонга кириб, 30 ёшдан юқори бўлган 6 миллион 294 минг 201 нафар хотин-қиз, яъни 30 ёшдан юқори бўлган аёлларнинг 90,5 фоизи билан мулоқотлар уюштирди. Ўрганишлар жараёнида ўтган 6 ой давомида 30 ёшга кирган 177 923 нафар, шу жумладан, «Ёшлар дафтари» рўйхатидан чиқарилган 26322 нафар хотин-қизга алоҳида эътибор қаратилди. Мулоқотлар натижаларига кўра, 15-30 июль кунлари секторлар раҳбарлари ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари бошлиқлари томонидан 450970 нафар «Аёллар дафтари»га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизнинг рўйхати ҳамда уларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган «Йўл хариталари» халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига киритилиб, сессияларда тасдиқланди. Ўрганишлар ва суҳбатлар давомида «Аёллар дафтари» билан ишлаш тизимининг иккинчи bosқичида рўйхатга киритилган хотин-қизларнинг тоифалари шакллантирилди.

Видеоселекторда Қудратилла Рафиқов ҳар бир йўналишдаги

ишларга масъул ташкилотларнинг вазифаларига алоҳида урғу бериб, масъулларни бир ҳафта мобайнида аниқ режа тасдиқ олишга чақирди. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш «Аёллар дафтари»га киритилган 144 244 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш комиссия аъзолари зиммаларига юклатилди.

Шунингдек, хотин-қизларнинг доимий равишда оиласига даромад келиб туришини таъминлаш мақсадида, уларни уч ойлик жазоат ишларига жалб қилиб, дафтардан чиқариш ҳолатларига йўл қўймаслик талаб этилди.

Уч кун мuddатда ҳокимларнинг иқтисодиёт ва маҳалла бўйича ўринбосарларининг ҳар бирининг қўлида бандлик, томорқа, тadbиркорлик, кредитлар ажратиш каби йўналишларда дафтарга киритилган ҳар бир хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш бўйича манзилли режа бўлиши шартлигини, унда дафтардаги ҳар бир хотин-қизнинг қандай йўл билан бандлиги таъминланиши, қачон таъминланиши ва унга ким масъуллиги аниқ кўрсатилиши кераклиги уқтирилди.

Шундан сўнг, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ёрдамга муҳтож, ногиронлиги бўлган жами 90 851 нафар хотин-қизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тураржой ижара компенсациясини тўлаш каби ишларни ташкил этиш масаласида кўрилиб, унга масъуллар белгиланди.

Тиббий психологик ёрдамга муҳтож хотин-қизлар, ногиронлик белгилари аниқланган, ҳуқуқий ёрдамга муҳтож ана-сингиларимиз билан амалга ошириладиган ишлар кўриб чиқилиб, масъулларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Кун тартибидан яна бир муҳим масала – «Меҳрибонлик уйлари», Болалар шаҳарчалари ва оилавий бола-

лар уйларида тарбияланаётган қизларга ғамхўрлик қилиш ўрин олган эди. Бу борада сўз юритилар экан, жорий йил 28 июлда ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз «Меҳрибонлик уйлари» ва Болалар шаҳарчаларида тарбияланаётган қизларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш, уларнинг орзу-истакларини рўйга чиқаришга қўмақлаш бўйича масъуллар олдида бир қатор вазифаларни белгилаб берган алоҳида қайд этилди. Видеоселекторда ана шу масаланинг ижроси ва Президент ташаббуси билан ташкил этилиши кутилаётган янги тизим – «Меҳр дафтари» ҳақида сўз кетди.

– Аминманки, бу тизим ҳам давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан илк мартаба жорий этилган «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари», «Темир дафтар» каби жаҳоннинг бирор-бир давлатида учрамайдиган ўхшаш йўқ ноёб тизим сифатида ўз самарасини беради, – деди Қудратилла Рафиқов.

Шундан сўнг Миллий гвардия кўмондони, генерал-майор Рустам Жўраев «Меҳрибонлик уйлари»нинг Миллий гвардия тизимига ўтказилиши юзасидан ва қисқа давр ичида болалар шаҳарчаларини ўрганиш хулосалари ва ундан келиб чиқиб тузилаётган режалар ҳақида гапирди. Жиззах, Сирдарё, Бухоро ва Фарғона вилоятларидаги «Меҳрибонлик уйлари» ва Болалар шаҳарчалари мудирилари ушбу янги ташаббус бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Йиғилиш якунида Президент маслаҳатчисининг ўринбосари Олим Солиев иккинчи bosқич «Аёллар дафтари» режалари юзасидан ўз хулосалари ва таклифларини баён этиб, барча ишчи гуруҳ аъзоларининг келгуси фаолиятига омадлар тилади.

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»



1 Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўтган йили 8 октябрда ва жорий йил 26 февралда ўтказилган видеоселектор йиғилишларида хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича долзарб вазифаларни белгилаб берган эди. Унга кўра, хотин-қизлар муаммоларини тизимли

Навоий вилояти

Карманалик Гулжаҳон Мақтаганованинг мактубини ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди. Мактуб ачиқ қисмат, мутасаддиларнинг инсон тақдирига бефарқлиги, алам ва адолатсизликдан куйиб, адо бўлаётган онаизорнинг изтиробларидан иборат:

«Ассалому алайкум, яхшилар! Сўнги умидим сизлардан. Қисмат экан, 29 ёшимда вояга етмаган уч нафар фарзандим билан бева қолдим. Раҳматли ёстиқдошим Ҳамза Нарзуллаевни 2014 йил 30 август кунин Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани «Қориваёт» маҳалласи Сиплон қишлоғида яшовчи Уктам Исомиддинов шахсий машинасида уриб кетди. Орадан 15 кун ўтиб, яъни 14 сентябрь кунин эрим Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмасининг анестезиология ва реанимация бўлимида вафот этди. Бу муҳим воқеалар содир бўлганда, мен учинчи фарзандимга ҳомиладор эдим. Афсуски, қизим юрагида кичик тешикча билан туғилди. Ҳозир ҳам ногирон. Шифокорлар қизимнинг юрак хасталиги билан туғилиши ҳомиладорликдаги сиқилишларим асорати эканини айтишди.

Орадан кўп ўтмай, ёш болани ва хаста бўлсам-да, эримнинг фожиали ўлими юзасидан жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон тумани судига мурожаат қилдим. Улар пахта йиғим-терими бошланганини рўқач қилиб, ишни орқасида суриб бораверди. Анча югур-югурлардан сўнг, Уктам Исомиддиновга нисбатан Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан жиноят иши очилди. Афсуски, 2014 йил 19 ноябрь кунин меннинг ва эримнинг қариндошлари иштирокисиз суд мажлиси ўтказилиб, Олий Мажлис Сенатининг 2014 йил 14 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорига асосланган ҳолда жавобгар Уктам Исомиддинов суд залидан озод қилиб юборилди.

Эрим ўлди, мен бева қолдим, қизим ногирон ҳолда туғилди, аммо бизнинг ташвишларимиз, қайғу-аламда ёниб, кул бўлаётганимиз ҳеч кимни қизиқтирмади. Суднинг адолати шунми? Мен-чи, менинг етим қолган уч нафар болам-чи? Уларни ким ўйлайди? Ишсизман, уларни энди қандай боқаман...»

Хуллас, жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон тумани судининг қароридан мутлақо норозиман...»

ҚОНУНЛАР БИР ХИЛ-У, ҚАРАШЛАР ҲАР ХИЛ

Гулжаҳон Мақтаганова суд қароридан норози бўлиб, Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти Кармана туманлараро судига мурожаат қилди. Мазкур суд 2015 йил 13 февралда жавобгар Уктам Исомиддиновдан даъвогар Гулжаҳон Мақтаганова фойдасига 12 миллион



ЕТИМНИНГ ҲАҚИ

ёхуд судма-суд сарсон
«синиқ кўнгиш»лар арзиши
ким эшилтади?

сўм маънавий ҳамда 6 миллион 926 минг 500 сўм моддий зарар ундириб беришни лозим топади.

Суд ҳужжатлари ижро учун 2015 йил 1 апрелда суд ижрочиларининг Каттақўрғон шаҳар бўлимига келиб тушади. Орадан салкам бир ярим ой ўтгач, суд ижрочилари жавобгарнинг хонадонига бўлиб, бир дона аёллар азуғи ҳамда бир жуфт зирак борлигини аниқлаб, уларни қонун доирасида сотувга қўяди. Узук ва зирак 1 миллион 18 минг 800 сўмга баҳоланиб, сотувдан тушган пул жабрланувчига почта орқали жўнатилади. Шу билан ижрочи «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 40-моддасига асосан, жавобгарнинг тўлов қобилияти йўқлигини рўқач қилиб, 2015 йилнинг 4 сентябрда ижро ҳаракатларини тўхтатади.

Даъвогар Гулжаҳон Мақтаганова суд ижрочиларининг Каттақўрғон шаҳар бўлими фаолиятдан норози бўлиб, яна судга мурожаат қилади. 2016 йил 6 январда Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди судьяси Нурал Раҳмонов чикарган қарорда жавобгар Уктам Исомиддинов ҳамда унинг рафиқаси Гулшан Исомиддиновдан солидар тартибда жабрланувчи фойдасига 14 миллион сўм маънавий, 4 миллион 876 минг 500 сўм моддий зарар ундириш белгиланади. Шунингдек, даъвогар Гулжаҳон Мақтаганованинг етим қолган уч нафар фарзанди вояга етунига қадар уларнинг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан (ойига 130 минг 240 сўмдан) нафақа ундирилиши лозимлиги ҳам ажримга киритилади.

Агар мазкур жиноят иши билан боғлиқ ҳужжатларга жиддий эътибор берилса, турли шубҳалар пайдо бўлиши мумкин. Масалан, воқеа 2014 йил 30 августда содир бўлган. Аммо қасддан қилинмаган ушбу жиноят негадир орадан салкам уч ой ўтгач, 2014 йил 19 ноябрда Жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон тумани су-

дида кўриб чиқилган. Даъвогарнинг мурожаатлари эса пахта терими бошлангани баҳона қилиниб, пайсалга солинган. Қизиқ, судьялар ҳам далага чиқиб пахта терадими?!

Даъвогар Гулжаҳон Мақтаганованинг Навоий вилояти Кармана туманлараро фуқаролик судига ёзган аризаларига кўра, жиноят иши икки бор кўриб чиқилиб, бир-бирига ўхшаш икки хил қарор чиқариш билан якунланади.

ЮЗАКИ ЁНДАШУВ

Ушбу жиноят иши юзасидан журналистик суриштирув ўтказиш мақсадида дастлаб Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар мажбурий ижро бўлими ижросини Жасур Раҳмоновга мурожаат қилдик (айнан у сўнги ижро ҳаракатларини амалга оширган ва тўхтатган). Ж.Раҳмонов фикрларимизни хушламайроқ тинглади. Охири ҳеч қандай маълумот бермаслигини қатъий таъкидлади, тахририят номидан расмий хат талаб қилди. Хат тақдим қилинган, норози кайфиятда ўзи ижро қилган ҳужжатлардан нусхалар берди.

Мазкур нусхаларда, яъни Кармана туманлараро фуқаролик судининг 2016 йил 6 январдаги қарорида даъвогар Гулжаҳон Мақтаганованинг етим қолган уч нафар фарзанди – Олимжон ва Жавоҳир Убайдуллаев ҳамда Ойдиной Убайдуллаевага вояга етунига қадар жавобгарлар – Уктам Исомиддинов ва Гулшан Исомиддиновдан солидар тартибда ойма-ой нафақа ундириш кўрсатилган. Суднинг ушбу қарори Мажбурий ижронинг Каттақўрғон шаҳар бўлимига орадан 11 ой ўтгач, келиб тушган. Шунча вақт давомида қарор қаерда, кимнинг қўлида бўлган, буниси бизга номаълум. Энг қизиғи, қарорда номма-ном кўрсатилган нафақа олувчи болалар сони Каттақўрғон туманига келгунча биттага, тумандан шаҳарга етунича иккитага қисқартирилган. Бунинг сабабини сўраганимизда, ижрочи Жасур Раҳмонов қўлига келиб тушган ҳужжатларга асосланиб ижро ҳаракат-

лари олиб борганини айтди, холос.

Аслида Мажбурий ижро бюросининг Каттақўрғон тумани ва шаҳар бўлимлари олиб борган ижро ҳаракатларида, шунингдек, Кармана туманлараро фуқаролик суди томонидан ўтказилган судлов ишларида айрим хомилиқлар бор. Биринчидан, суд қарорлари тўлалигича ижро этилмаган. Иккинчидан, ҳужжатларда исм-фамилиялар, шахслар чалқаштирилиб, миқдор ва сонлар асосиз қисқартириб юборилган. Учунчидан, жавобгар Уктам Исомиддинов ўзига тегишли ВА3-21013 енгил автомашинасини суднинг жазоси ва мажбурий тўловлардан қочиш мақсадида 2015 йил 27 январда Каттақўрғон шаҳри, Усмон Юсупов кўчасида яшовчи Хосият Юлдашева номига расмийлаштириб берган. Жавобгар Уктам Исомиддинов оилар, йиллар давомида тумандан шаҳарга, шаҳардан туманга қўчиб, яширилиб юрган. Охири унга Мажбурий ижронинг Каттақўрғон шаҳар бўлими ижросини томонидан қидирув эълон қилиниб, ички ишлар бўлимига расмий хат жўнатирилган.

Минг афсуски, мана шундай эътиборсизлик, бефарқлик натижасида Гулжаҳон Мақтаганова ўзига ва уч нафар фарзандига ундирилиши лозим бўлган маънавий зарарни, алимент нафақаларини ололмадан сарсон бўлиб юрибди. Юқори ташкилотларга ёзган шикоятларига эса фақат бир хил мазмунда жавоб олади. Жавобларки, қонунлар худди суд қарорлари сингари «ўйнатади», пеш қилинади.

ЖАБРАНУВЧИНИНГ ХАТИДАН

«Адолат излаб идорама-идора юрган кунларимнинг бирида кимдир менга телефон қилиб, исми-шарифини айтмасдан, ўзини Каттақўрғон шаҳар мажбурий ижро бюроси вакилиман, дея таништирди. Гап орасида «Айбланувчидан сизга бир миллион сўм олиб бераман, эвазига сиз 18 миллион сўм олдим, деб тушунтириш хати ёзиб берасиз», деди. Мен унинг таклифига рози бўлмадим. Кейин у

уятли сўзлар билан мени ҳақорат қилди. Бўлган воқеани онамга айтдим. Онам ўпкаси тўлиб, йўғлаб олди...»

2018 йилнинг апрель ойда Гулжаҳон Мақтаганова шунга ўхшаш ҳақоратлардан яна бирини эшитди. Мажбурий ижро бюросининг каттақўрғонлик вакили Зоҳид Орзиев «Сенинг эрингни ҳеч ким қасдан ўлдиргани йўқ-ку, аҳмоқ хотин! Намунча менга телефон қилаверсан, сендан бошқа дардим йўқми, яна бир телефон қилсанг, сени...», дея сўкинди. Орадан бирикми кун ўтиб, Гулжаҳон Мақтаганова бўлиб ўтган воқеа юзасидан Ички ишлар вазирлигининг «Ишонч телефони»га кўнғироқ қилди. Вазирлик ҳолат юзасидан Каттақўрғон шаҳар ички ишлар бўлимига расмий мурожаат йўлади. Ички ишлар бўлими ҳам ишни эскича-эскича олиб, шаҳар прокуратурасини бир варақ қоғоз билан огоҳ этди. Шаҳар прокуратураси эса ҳамон жим. Биз шу йил 10 мартда тахририят номидан Каттақўрғон шаҳар прокуратурасига расман мурожаат қилдик, аммо ҳалигача бирорта маълумот ололмадик.

Бугун юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, ёшларга, хотин-қизларга, бева-бечораларга давлатимиз раҳбари ташаббуси билан маҳаллий ҳокимиятлар, ҳомийлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар томонидан беминнат ёрдам кўрсатилётганига гувоҳ бўласиз. Айниқса, мамлакатимиз бўйлаб «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»нинг юритилиши синиқ кўнгишларга, аянчли тақдир эгаларига қайтадан жўшқин ҳаёт бахш этмоқда. Яратганга шукрки, Гулжаҳон Мақтаганова ҳам бундай сийловдан, бекиёс эътибордан четда қолмади. У ҳамширалик қилиш ҳуқуқини берувчи ўрта маълумот тўғрисидаги дипломинини қайта тиклаш учун Кармана тумани ҳокимияти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан ўқитилди. Касбига яраша иш билан таъминланиши ҳам бор гап. Аммо биргина онаизорнинг топгани нима бўлади? Қутилмаган автохалокатдан кейин юрагида тешикча билан туғилган 6 ёшли Ойдинойни даволатиш учун анча-мунча пул керак ахир!

Ким билади, дейсиз, балки Каттақўрғон шаҳар Мажбурий ижро бўлимидагилар инсофга келиб, суд ҳужжатида кўрсатилган алимент пулларини ундириб берад? Эҳтимол, жавобгарларнинг ўзлари Ойдинойни даволатиш учун елиб-югурар. Ва яна ажабмаски, Гулжаҳон Мақтаганова судга қайта мурожаат қилса, балки инсофлироқ судья унинг етим қолган фарзандларини учун давлат ҳисобидан нафақа тўлаш лозимлиги ҳақида қарор чиқарар...

Бир парча қоғоз бир инсонни бор қилиши ҳам, йўқ қилиши ҳам мумкин, деган гапни илгари кўп эшитганман, лекин ишонмасдим. Алқисса, карманалик Ҳамза Нарзуллаевнинг фожиали ўлими мисолида бу гапларда жон борга ўхшайди.

Нормурад МУСОМОВ,
«ISHONCH»





Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?

Яқинда бир гуруҳ мутахассислар ва ҳамкасбларимиз билан Жанубий Устюртга саёҳат уюштирдик. Бундан кўзланган мақсад йўл-йўлакка учраган жайрон ва қулонларни суратга ва видеотасвирга тушириш эди.



Узимизча, бу жараён анча қийин кечади, деб ўйлаган эдик. Кейин билсак, янглишган эканмиз. Сахро бўйлаб ҳаракатланаётганимизда бир-бир ярим чақиримча нарида қочиб бораётган жайронлар тўдаси кўзга ташланар, дафъатан ундан 7-8 бош шохли эркек жайронлар ажралиб чиқарди-да, тўғри биз томонга қараб югура бошларди. Сал ҳушёр бўлмасак, машинамиз фидираклариди остида қолиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас эди.

– Табиий инстинктига кўра, жайронлар из кесади. Шу тариха гоҳида ўзини ўлимга маҳкум этса-да, тўдадошларини омон сақлаб қолади, – деди сахро ҳайвонлари сирларини биладиганлардан бири.

Эсимда... «Сайғачий» кўриқхонаси нозира Байрам Утеулиев ҳам менга шунга ўхшаш воқеани сўзлаб берганди:

– Устюртдаги муайян ҳудуд бўйлаб навбатдаги рейдга чиққандик. Бирмунча ичкарилаганимиздан сўнг сайғоқларнинг кичикроқ тўдаси бизни кўра солиб, қоча бошлади. Нечталигини аниқлаш ва тасвирга олиш учун изларидан боравердик. Кўп ўтмай, тўдадан бир така ажраб чиқиб, оқсоқланган ортада қола бошдик. Биз унга бирон қор-қол бўлганимиз, деган хавотирда машинадан тушиб, атрофини ўраб олдик. Ушлагач, оёқларини текшириб кўрдик: бирор таси лат емаганди. Кўзларида эса кўркүв аралаш илтижо балкиб турарди. У «Хоҳласангиз, мени ўлдиринг, фақат тўдага тегманг!», дейётгандек эди. Сайғоқнинг сопна-соғ эканига амин бўлган, кўйиб юбордик. У бироз оқсоқланиб юргандай бўлди-да, кейин биздан анча узоқлашган тўда томон дадил чопа кетди.

– Жайронлар сахрода 70-80 километр тезликда юрганида, унча-мунча техника уларга етолмайди. Лекин браконьерлар «Урал» мотоцикллар қув-қув қилиб бу жониворларга қирғин келтиришяпти, – деди бизга етакчилик қилаётган Саламат Ажибаев.

Кўп йиллик тажрибага эга инспекторларнинг айтишларича, одамларнинг бешафқатлиги туфайли кейинги пайтларда жайрон ва сайғоқлар ўта ҳуррак бўлиб қолишган. Уларда инсонга нисбатан ашаддий душман инстинкти шаклланган. Ҳолбуки, ўтган асрнинг 80-йилларига қадар сайғоқлар Устюртдан паства иниб, қишлоқларга кириб келгани тез-тез кузатилган. Кўп бўлгани учун уларни қонуний овлашга рухсат ҳам берилган. Лекин браконьерлар ёвузларча иш тутиб, сайғоқлар тўдасини ҳатто пулемётлардан ўққа туттишган.

Устюртда ҳозир ҳам бу жониворларнинг шохлари кесиб олинган бош сўяларнинг, бўш патронларни, ваҳшиларча амалга оширилган оғирнинг бошқа асоратларини учратиш мумкин. Чунки бундан 40-50 йилча бурун сайғоқлар гўшти дўконларда арзон баҳоларда сотилган. Ушунда бераҳм овчилар учун бу ҳайвоннинг гўшти эмас, шохи мўмай даромад манбаи саналган.

Ҳариз ниятли кимсалар овга «Урал» русумли мотоциклларда чиқишган. Унинг икки енбошига узунлиги 1-1,5 метр келади, учиди ўткир тигли пичоғи бор темир ўрнаштишган. Мотоцикл тўда орасига кирганида икки тарафиди сайғоқлар танасини тилиб кетаверган. Қаттиқ жароҳатлиниб, чалажон ҳолда йилқиланларнинг шохлари кесиб олинган.

Бундай дахшатли овлар, минг афсуски, ҳозирги пайтда ҳам тўхтамайпти. Биз бунга бепоён ва кимсасиз саҳроларда мотоциклларнинг кўплаб изларини кўрганимизда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Аён бўлишича, наботот ва ҳайвонот қушандалари тунда прожекторлар билан овга чиқишар экан. Кучли нурдан кийикнинг кўзи қамашиб, унга қараганча қотиб қолар экан. Шу орада муғом-бир овчи секин унга яқинлашиб, пичоқ билан тинчитиб кўя қолар экан.

Орол денгизининг қоқ марказидаги Возрождение ороли 1940-1990 йилларда дунёдаги энг махфий ҳудудлардан бири сифатида эътироф этилган. Унинг бағрида ва устки ҳаво қатламиди бактериологик қуроллар синовдан ўтказилган. Бундай вақтларда Орол атрофида, айниқса, жанубий қисмида юриш жуда хавфли бўлган. Тажриба чоғида чор-атрофни яшил тусли туман босган. Унинг касофати ўлароқ, биргина 1988 йил май ойида Оролга ақин чўлда 50 мингга сайғоқ бир соат ичиди нобуд бўлган.

Тўрт ярим йил ичида Устюртдаги полигонда бир неча бор бўлган ҳарбий хизматчи Виктор Абрамов shitalnaua.ru сайтга ўз мемуарларини жойлаштирган. «Нукус. Сайгаки» қиссасида бу ҳудудда кўрган-билганларини баён этган.

– Кимёвий қурол вазифасини ўтовчи заҳар самолётда сочиларди, – деб эслайди у. – Шунда осмонда камалакли ажиб булутлар ҳосил бўлар, лекин улар тирик жон учун хавфли саналарди. Кун совуғанда амалиётни дарҳол тўхтатардик. Акс ҳолда, шимолдан келадиган минглаб сайғоқлар заҳардан қирилиб кетарди. Бир сафар совуқ эрта тушиб, сайғоқлар пайдо бўлганида ҳали полигон майдонидан заҳар аримаганди. Оқибатда юзлаб сайғоқлар нобуд бўлди. Уларни зонадан ташқарида ўра қазиб, кўмиб ташлашдан ўзга чорамиз қолмади...

Юртимизда ноёб жониворлар муҳофазасига доир муҳим ҳужжатлар қабул қилиниб, зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, 2016 йили Ўзбекистон «Қизил китоби»га ҳамда Табиати муҳофаза қилиш Халқаро иттифоқининг «Қизил рўйхати»га киритилган, ҳозирги кунда йўқолиб кетиш хавфи остида қолган сайғоқ ва бошқа ҳайвонларни, шунингдек, ўсимликларни асраб қолиш ниятида «Сайғачий» мажмуа (ландшафт) буёртма кўриқхонаси ташкил этилди. Унинг муҳофаза этиладиган ерлари Устюрт текисликлариди жойлашган. Жами майдони 628300 гектар. Шундан кўриқланадиган зона ҳудуди 239300 гектарга тенг.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги қарорига биноан, Кўнғирот тумани ҳудудида давлат табиати муҳофаза қилиш муассасаси шаклида умумий майдони 1447143 гектарлик «Жанубий Устюрт» миллий табиат боғи барпо этилган.

Албатта, бу янглиғ саъй-ҳаракатлар дастлабки натижаларини бера бошлади. Анчадан буён юртимиз саҳроларида кўринмай қолган сайғоқлар яна пайдо бўлди, жайронлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Ўз навбатида, уларни муҳофаза қилиш ишлари янада кучайтирилмоқда.



Есимжон ҚАНОАТОВ, «ISHONCH»

Яқинда Фаллаворларнинг лалми ҳудудларидан келган сигирларнинг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни ўзимизнинг маҳалладаги Ойша холаининг Тарғилой сигири олиб борди.

– Аслида бу анжуманимизни кенг ва ям-яшил ўтлоқларда ўтказишни режалаштиргандик, – дея сўз бошлади у баймайлхотир қавшанганча. – Бироқ пандемия туфайли сизлар билан мана шу эски фермада мулоқот қилишга тўғри келмоқда. Кун тартибига қўйилган асосий масала – яйловлардаги муаммолар. Зеро, ҳозир тайинли яйлов йўқлиги, ариқ-париклар бўйларидан ризқимизни териб, зўра кун кўраётганимиз ҳаммага маълум... Иккинчи масала – омихта ем таъминоти. Тўғри, унинг мазасини унутворганимизга а-а-анча бўлди... Учунчи масала – насчилиги ва селекция ишлари... Бугун шу муаммоларга подолашиб, ечим топамиз. Ҳа, айтганча, дабдурдустдан йиғилиш чақиримизнинг ҳам ўзига хос сабаби бор. Яқин кунларда Зотли оғамиз бошчилигидаги комиссия бизнинг ҳудудимизда ҳам бўлар экан. У яхши хулосалар билан кетиши учун пухта ҳозирлик кўришимиз керак. Ҳўш, айтилган мавзулар бўйича кимда қандай фикрлар ва кўтарилиш лозим бўлган муаммолар бор?

Тарғилой шундай дея ҳаммага зимдан бир қур назар солиб чиқди.

– Тўғриси айтсам, туғилганимдан буён менинг эгам бирор марта кўлига гаета, журнал ёки китоб олиб ўқиганини кўрмагандим, – дея биринчи бўлиб гап бошлади жайдари сигир. – Кеча эса у бозордан қайтган, қўлидаги сут солинадиган бидон идишларни жойига қўяр-қўймас, овоз чиқариб газета ўқий бошлади. Газетада самарқандлик Омонбой акага тегишли хўкизнинг дардлари ёзилган экан. Тўғриси, унинг ҳасратларини эшитиб, кўзларимдан ёш тирқираб кетди. Шундай экан, бугунги гурунгимизда ҳам бир маъни-маъно бўлиши керак. Масалан, сўнги вақтларда казо-казоларнинг қоғозда қайд этишларича, биз омихта емни кўп еяётган эмишимиз. Ваҳоланки, кейинги тўрт-беш ой давомида озғимиз кунжарнинг урвоғи ҳам тегмади. Давомини суриштирсангиз, ҳудудимизда бунақа ем сотадиган дўкон ёки омборхонанинг йўли йўқ! Тўғрими? «Сен қаёқдан биласан?» дейдиганларга олдиндан айтиб қўйи: мен бу маълумотни кеча эгам хотинига айтган гапидан билиб олдим. Бизга кунжара келтириш учун 100-120 чақирим йўлни босиб ўтиши керак эмиш. Ҳар килограмм емни тиллонинг нархида сотиб олаётганимиз. Тўғриси, бу гапларни эшитиб, эгам бечорлага ачиниб кетдим.

– Мў-ў-ў... Нимасини айтасиз? – дея суҳбатга қўшилди узунбулоқлик Говмиш. – Менинг эгам ҳам иш тополмай қийналиб юрибди. Рўзгорини биздан соғиб олинмаган ярим-бир челақ сутни сотиб тебратади. Бир гал унинг қўшин хотин билан суҳбати кўлогимга чалиниб қолди. «Ҳар кун қишлоғимиз бўйича 700-800 литр сут соғиб олинади, бироқ уни қайта ишлайдиган корхона йўқ, – деди у астойдил куюниб. – Шунинг учун бозорга обориб, аризмаган пулга сотишга мажбуримиз. Билмадим, бу кетишда қачон орзумиз ушлар экан?». Бунисиям майли, аммо сўнги пайтларда еб-ичишимнинг тайини бўлмаганидан сутим камайиб кетди. Бундан ранжиган эгам бултурги бузоғимни бозорга чиқариб сотди. Унинг пулига преслаб тайёрланган ва ҳар битасининг нархи 30 минг сўм бўлган элгақ той сомон олиб келди. Уларни узук етмай еб тугатишим экан. Шунинг учун эгам ҳар сафар бир тутам-бир тутамдан беради. Шунда беихтиёр кўзимга ёш келади. Яна денг, ўша пичандан бузоққинаминг

ҳиди келади. Аммо нима қилай, менга ҳам, эгамга ҳам осон эмас... – М-ма-а-а... Мен ҳам гапирсам майлими? – дея ингичка овозда изн сўради Така.

– И-я, бу қанақаси? – ҳайратга тушиб Тарғилой. – Йиғилишда нега майда шохлилар қатнашяпти?

– Кечирасиз, – унинг гапини оғзидан олди Така. – Ахир, йирик шохлими, майда шохлими, қатъи назар, барчамиз чорва моллари ҳисобланамиз-ку!

Тарғилойнинг жаҳли чиққанини кўрган мажлис аҳли аввалига Така сўзга чиқишига қаршилиқ қилишди. Сўнгра ўзаро кенгашиб, мажлисда бўлган гапларни ташқарига чиқармаслиги учун унга ҳайвонлар қасамини ичиришди.

– Сўз бераман, – деди Така тантанавор оҳангда. – Агар бу ердаги гапларни дўстларимга айтсам, ўша заҳотиёқ қассобнинг пичоғига гирифтор бўлай.

Қ а с м ё д д а н кейин йиғилиш аҳли унинг гаплари -

Масал фельетон

кин эмасми? У майдонларга нуқул лалми галла экасан, дейишади. Ҳолбуки, олинмаган ҳосил сарфланган харажатни қопламайди. Бобомнинг айтишича, бир замонлар алмашлаб экишда жуда кўп аска-тадиган беда деган ўсимлик ҳам бўлган экан. Ҳозир бийдай далада кўкариб турган янтоқ билан тахир-аччиқ қакра ўсимлигини кўзимизга суртиб еямиз. Бундай ачинарли аҳволини юқоридагиларга етказадиганлар топиладими?

– Энг ажабланирлиси, Ойноқулнинг Танноз ғунажини Тозабулқодаги яйловимизни қисқартириш эвазига хориждан келтирилган насли буқага устакка қилиб бераётганимиз. Шундан хабарларнинг борми? – дея гапни келган жойидан илиб кетди сигирларнинг энг ғийбатчиси Кўнғирой. – Кеча ундан нега бундай қилаётганини сўрасам, «Дунёга бир марта келамиз, яхши яшаш пайида бўлиш керак!», деди. Бу гапдан ер ёрилмади-ю, мен кириб кетмадим.

– Муҳтарам йиғилиш иштирокчилари! – деди мажлисни бошқараётган Тарғилой. – Навбатдаги масала ўта жиддий, яъни келгуси насларимизга боғлиқ, Орамизда селекционер Олабуқа жаноблари ҳам бор. У жамики буқалар номидан қатнашяпти. Таннозонга ўхшаганлар чет эллик буқаларга кўз сузма с -

Сигирлар таъбирлари



рини тинглашди.

– Ҳурматли ҳайвонлар! Азиз тўрт оёқчилар! – Така виқор билан мажлис аҳлига юзланди. – Бизким, майда шохлиларнинг ҳозирги асосий муаммоси яйлов масаласидир. Ҳўш, бу эрларни бузиб, яйловларни йўқ қилаётганларга ким чора кўради? Катта Кўчқорга бу ҳақда айтилса, «Хўп бўлади», «Бахарамиз»дан нарига ўтмайди. Яқинда бизнинг эгамиз бир фермернинг ангарига кириш учун 5 та серка ва 5 та кўзичоқ ҳадя этди. Бу муаммони ечиш учун отаримизнинг олди саналган Тўқлибойни ҳам қозонкабоб қилишди. Ахир, бу қандай бедодлик?

– Бундан сал олдин хориждан келтирилган дўстларимизнинг ҳаёт тарзи билан танишиш ниятида Зомин туманига бордик, – дея мулоқотга қўшилди Удамаликлик Қизилоқбош. – Ана яшашу мана яшаш! Оғилхонлар саранжом-сарашта, ётиб-туриш учун зарур барча шaroитлар муҳайё. Ёзда ҳаво исиб кетса, тепадан муздак ҳаво юборилар экан. Егани олдида, емагани ортида. Берилаётган оздақ рационда беда, сенаж, силос ва яна мен номини билмайдиган бир қанча ем-хашаклар бор. Турли ўсимликлар ва ўт-ўланларни ёмғирлатиб сугоришяпти. Томоғим бир тақиллади, бир тақиллади. Аммо бирорта ҳам хорижлик мол «Меҳмон, бизнинг емишлардан ҳам татиб кўринг», демади.

Энди холисона айтинг-чи, бизнинг айбимиз жайдари бўлганимизми? Бизнинг лалми ерларда ҳам томчилатиб ёки ёмғирлатиб сугоришни йўлга қўйиш мум-

лиги учун ҳозир нима-лар қилиясизлар? Марҳамат, сўз сизга!

– Аммо негадир Олабуқа бошини ҳам қилиб тураредди. Орага оғир жимлик чўқди.

– Олабуқа жаноблари, ҳисоботга тайёرمىсиз? – Тарғилой қатъий оҳангда сўради.

Олабуқа яна бир оз сукут сақлагач, зўр-базўр тилга кирди:

– Кечирасизлар, яқинда таннозонлар билан очик мулоқот ўтказдик. Шу асно бизнинг айбимиз билан наслимиз йил сайн майдлашиб кетаётгани рўй-рост эътироф этилди. Келгусида наслимизни яхшилаш борасидаги ишларимизни янада ривожлантиришга аҳд қилдик. Эгаларимиз ҳам қараб туришгани йўқ. Улар келажакда соғлом буқа ва ғунажинлар етиштириш учун хориждан уруғлар олиб келишяпти...

Қисқаси, сигирлар анжумани ҳар томонлама танқидий ва таҳлилий руҳда ўтди. Кўплаб муаммоларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўз бурчига масъулиятсизлик билан ёндашгани учун Олабуқага «ҳайфсан» интизомий жазоси берилди. Зотли оға бошчилигида келадиган комиссияни кутиб олиш бўйича вазифалар масъулларга тақсимланди.

...Мана, комиссия келиб кетганига ҳам уч ой бўлди. Аммо сигирларнинг аҳволи тобора ёмонлашмоқда. Йиғилишда кўйиб-пишиб айтилган гаплар эса одатдагидек қоғозда қолиб кетди. Узунқоқ гапларга қараганда, Зотли оғаниннг оғзини ёпиш учун унинг оғилхонасига иккита трактор тиркамасида кўм-кўк беда, 1 тонна кунжара юборилган эмиш. Яна билмадик, балки бу миш-миш гаплардир...

Муқим ТОҒА



«FARG'ONA MULK SERVICES» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Очик аукцион савдосига «Fergana motors» МЧЖ балансидаги, 2006 йилда и/ч, давлат рақами 40 583 DAA, техник ҳолати носоз бўлган «GM UZ Damas» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 28 740 148 сўм.

Аукцион савдоси 2021 йил 6 сентябрь кунни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига талабномалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади.

Талабномалар қабул қилишининг охири муддати:

2021 йил 3 сентябрь соат 16:00.

Талабгорлар диққатига!

Юқориди кўрсатилган автотранспорт воситаси 2021 йилнинг 6 сентябрь кунни савдода сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2021 йилнинг 15 сентябрь кунни соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдога аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ун) иш кунни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти ўқлатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 физидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, закалат келишув шартномасига асосан «FARG'ONA MULK SERVICES» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: ХАБ «Трастбанк» Фаргона филиали, х/р: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753) тўлашлари лозим.

Мурожаат учун манзил: Фаргона шаҳри, Соҳибқирон Темир кўчаси, 45-уй, 3-қават, 7-хона. Тел.: +99895-402-54-75.

Ғувоҳнома №1894

Эълонлар

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раиси Анвар Арзиевга укаси

Исмоилжон АРЗИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши мутахассиси Жамшид Дўстмухамедовга падари бузруквори

Абдумалик отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМОНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АХМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Кулмурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Ноира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛИМУРОДОВ

(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳридин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, ҳабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фаргона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газетани номи кўрсатилмаган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктадан назардан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдурахмонов

Мусаҳҳиқлар:
А. Абулфайзов,
Д. Худойберганаева

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдуҷалилович

Босишга топшириш вақти – **22:30**
Топширилди – **23:00**

Газета офсет усулида, А-2 форматиди босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буёртма **Г – 806.**
27619 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтаниннг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқмади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона маъноси:
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшновбад филиали,
Банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130